

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ДАЖЖОЛ ҲАҚИҚАТИ

АҲМАДИЯ МУСУЛМОН ЖАМОАТИ

ДАЖЖОЛ ҲАҚИҚАТИ

Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* охирзамонда умматни ислоҳ қилиш учун бир Масийҳ ва Маҳдий чиқишларини башорат қилдилар ва унинг чиқиш аломатларидан энг муҳими Дажжолнинг чиқиши эканлигини айтдилар. Омма орасида Дажжол ҳақида ажойибу ғаройиб эртақлар машҳурдир. Улар уни ажиб махлуқ ва ғайритабиий куч-қувватларга эга бўлган одам деб ўйлайдилар. Лекин ҳақиқат шуки, Дажжол тўғрисида Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган башоратлар ул зот^{сав} нинг тушлари ва ваҳийларидан иборатдир. Масалан: Дажжолни зикр қилиб, Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* бундай деб марҳамат қилдилар:

بَيْنَمَا أَنَا نَائِمٌ أَطُوفُ بِالْكَعْبَةِ
(بخارى كتابُ الْفِتَنِ بَابُ ذِكْرِ الدَّجَالِ)

Яъни, мен тушимда Каъбани тавоф қилаётганимни

кўрдим. (*Бухорий, Китобул-Фитан, Бобу зикрид-Дажжол*)

Тушлар, ваҳийлар ва башоратлар тўғрисида сўз юритилганда, шу қатъий усулни унутмаслик керакки, улар кўпинча таъбирга муҳтож бўлади.

Масалан: Ҳазрат Юсуф *алайҳиссалом* тушида ўн бир юлдуз, ой ва қуёшни ўз олдида сажда қилаётганини кўрдилар. Бас, бундан мурод зоҳирий қуёш, ой ва юлдуз эмасди, балки унинг биродарлари ва ота-оналари унинг муруввати остида қолиб, ул зот^{ac} олдига келиши керак эди.

Шунингдек, «Саҳиҳ Муслим», Китоб ул-Фитан, Бобу зикри Ибни Сайёдин деган ҳадисда бундай деб ёзилган: Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* мадиналик бир яҳудий бола – Ибни Сайёдни (у кейинчалик мусулмон бўлди) Дажжол деб шубҳаландилар ва Ҳазрат Умар *разияллоҳу анҳу* ул зот *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* олдиларида: «Мана шу кишигина Дажжолдир», - деб қасам ичдилар, лекин Жаноб Набий *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* буни рад этганлари йўқ. Ваҳоланки, зоҳиран Ибни Сайёдда Дажжолнинг аксарият аломатлари йўқ эди. Бундан исботланадики, Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* ҳам, саҳобаи киром *разияллоҳу анҳум* ҳам

Дажжол тўғрисидаги башоратларни мажозий деб ҳисоблар эдилар ва барча аломатларнинг зоҳирий ва жисмоний жиҳатдан бўлишини лозим деб билмасдилар.

Қуръони Карим, Пайғамбар *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* ҳадислари ва «дажжол» сўзининг луғавий маъносидан маълум бўладики, Дажжол дейилганда бирорта ажойиб махлуқ бўлмиш одам эмас, балки бугунги кундаги ғарблик ривожланган насроний қавмларнинг диний пешволари назарда тутилади. Қуйида бир неча далиллар тақдим этилади:

I. «ДАЖЖОЛ» СЎЗИНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОСИ

- 1) Каззоб, яъни, ғирт ёлғончи;
- 2) Бой-бадавлат ва хазиналар эгаси;
- 3) Сон жиҳатидан ер юзини қоплаб оладиган катта гуруҳ;
- 4) Савдо ва тижорат мол-мулкларини олиб юрувчи гуруҳ. («Лисон-ул-Араб»)

«Дажжол» сўзининг луғавий маъноси шуни билдирадики, у жуда катта сон ҳамда жуда катта бойлик ва хазиналарга эга бир савдогар жамоат бўлиб, у товарларини дунёда кўтариб юради, бутун дунёда сайр-сайёҳат қилади, ҳамма жойга етиб боради ва дунёда

у бормаган жойи қолмайди. Дин жиҳатидан у жуда ҳам ботил ақидага эгадир. Ушбу барча белгилар Ғарб ўлкаларидаги насроний қавмларнинг раҳбарларида мавжуддир.

II. ДАЖЖОЛ ВА ҚУРЪОНИ КАРИМ ҲАМДА ПАЙҒАМБАР САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҲАДИСЛАРИ

1. Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* Дажжол фитнасидан сақланиш учун «Ал-Каҳф» сурасининг дастлабки оятларини ўқишни буюрдилар ва «Ал-Каҳф» сурасининг дастлабки ўн оятида насроний дини йўққа чиқарилган. Аллоҳ Таоло бундай деб марҳамат қилади:

وَيُنذِرَ الَّذِينَ قَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا

Ва у: «Аллоҳ Ўзига ўғил қилиб олди», - дейдиган кимсаларни ҳам огоҳлантирсин. («Ал-Каҳф» сураси: 5)

Бас, Дажжол фитнаси ва Масийҳлик фитнаси битта нарсадир. Зеро, муолажа касалликка яраша бўлади. Агар Дажжол фитнаси масийҳийлик фитнасидан бўлак нарса бўлганида эди, унда Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам*дай фаҳму фаросатли инсон Дажжол фитнасидан сақланиш учун унинг зикри

бўлмаган оятларни ўқишга буйруқ бермасдилар.

2. Ҳадисда «Дажжол фитнаси – энг катта фитна», - деб айтилган. (*«Саҳиҳ Муслим», Китоб-ул-Фитан, Бобу фий бақиййатин аҳодисид-Дажжжол*)

Қуръони Каримдан маълумки, насронийларнинг Масийҳни Худонинг ўғли деб айтишлари энг хавfli фитнадир. Чунончи, Аллоҳ Таоло бундай деб марҳамат қилади:

«Албатта, сизлар бир жуда беҳуда гапгапирдингизлар! Ундан осмонлар ёрилиб ва ер парчаланиб ва тоғлар титраб, кулаб тушишига оз қолди. Чунки,

أَنْ دَعَا لِلرَّحْمٰنِ وَكَذٰلَا

«Улар Раҳмонга фарзандни мансуб қилдилар». (*«Марям» сураси: 91-92*)

Ушбу хавfli фитна асосчилари ва бошлиқлари насроний попларидир. Улар Ҳазрат Исо алайҳиссаломни Худонинг ўғли деб атадилар. Бас, ўшаларгина Дажжолдирлар.

3. «Ал-Фотиҳа» сурасида Аллоҳ Таоло мусулмонларга икки фитнадан сақланиш учун дуо ўргатгандир:

1) الْمَغْضُوبِ «Мағзуб алайҳим» фитнаси. Бундан мурод яҳудийлардир.

2) الصَّالِينَ «Аз-Золлийн» фитнаси. Бундан мурод насронийлардир.

Яхудийларни Дажжол деб бўлмайди, чунки улар ҳақида Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда бундай деб марҳамат қилади:

ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الذِّلَّةُ أَيْنَ مَا تَفْتَوُوا

«Қаерда бўлмасин, уларга хор-зорлик битиб қўйилган...». («Оли Имрон» сураси: 113)

Яъни, улар қаерда бўлмасин, уларга хор-зорлик битиб қўйилган. Гўё яхудийлар доимо мағлуб ҳолатида турадилар. Лекин Қуръони Карим ва ҳадислардан маълум бўладики, Масийҳ ва Маҳдий даврида насроний дини ғалаба қилган бўлади.

Бас, Дажжолдан мурод насроний поплар эканлиги маълум бўлди. Агар бундан мурод бошқа бирорта одам ёки қавм бўлганида эди, «Ал-Фотиҳа» сурасида ундан сақланиш учун албатта дуо ўргатилган бўлар эди.

4. Қуръони Каримда Аллоҳ Таоло Ҳазрат Исо алайҳиссаломга эргашувчилар ғалабасини зикр этган. Чунончи, бундай деб марҳамат қилади:

وَجَاعِلُ الَّذِينَ اتَّبَعُوكَ فَوْقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ

(Эй, Исо) сенга эргашганларни Қиёмат кунигача

куфр қилган кимсалардан устун қилгувчиман». («Оли Имрон» сураси: 56)

Ушбу оятга кўра ғалаба ва подшоҳлик Қиёматгача Ҳазрат Исо *алайҳиссалом*нинг анъанавий издошлари бўлмиш насронийлар учун ёки ул зот^{ас}га ҳақиқий издош бўлмиш мусулмонлар учун муқаррардир.

Мусулмонларни Дажжол деб аташ мумкин эмас, зеро ҳадисда «Дажжол – кофир», - деб айтилган. Бинобарин Ҳазрат Исо *алайҳиссалом*нинг анъанавий

издошларинигина Дажжол деб аташ мумкин, мазкур оятда ўшаларнинг ғалабаси зикр этилган.

5. «Саҳиҳ Муслим», Китоб-ул-Фитан Бобу зикрид-Дажжолда шундай деб ёзилган: «Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* саҳобаларининг бири Ҳазрат Тамийм Дорий *разияллоҳу анҳу* ғарбий оролдаги бир черковда Дажжолнинг қамалганини кўрдилар». Бундан ҳам маълум бўладики, Дажжол дейилганда Ғарбдаги насроний қавмлар назарда тутилади.

III. ДАЖЖОЛНИНГ АЛОМАТЛАРИ

1) «Саҳиҳ Бухорий», Китоб-ул-Анбиё Бобу «вазкур фил-Китоби Маряма»да: «Дажжолнинг ўнг кўзи кўр бўлади», - деган ҳадис бор.

Яна Жаноб Набий *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* марҳамат қиладилар: «Унинг чап кўзи жуда ҳам ярқираб турган бўлади, гўёки у бир марвариддир». («Канзул-уммол», 14-том, «Бобу фий хуружид-Дажжзоли», 38784-ҳадис, «Мактаба ат-Турос», Ҳалаб)

Бундан мурод шуки, унинг чап кўзи, яъни дунёвий кўзи жуда равшан бўлади ва дунё муомалаларига теран назар солади, лекин ўнг кўзи кўр, яъни диндан бебаҳра бўлади.

2) «Унинг икки кўзи орасида «Коф», «Фе», «Ре» ёзилган бўлади. Уни саводли ҳам, саводсиз ҳам ўқий олади». («Саҳиҳ Бухорий», Китоб ул-Фитан, Бобу зикрид-Дажжзоли)

Яъни, унинг кофир эканлиги очиқ-равшан бўлади.

3) Кейин Жаноб Расулulloҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* Дажжолни ташқи қиёфаси жиҳатидан яғриндор, оқ рангли ва пешонаси порлоқ бир келишган йигит тарзида кўрдилар. («Мусанниф ибн Аби Шайба», 15-том, Китоб ул-Фитан, мо зукира фий фитнатид-Дажжзоли)

Ғарб қавмлари худди шундай шакл-шамойилга эгадир ва уларнинг вакили сифатида бир одам ул зот *саллаллоҳу алайҳи ва саллам*га кўрсатилган.

4) «Саҳиҳ Муслим», Китоб-ул-Фитан, Бобу фий бақиййати қиссатуд-Дажжолда «Асфаҳондаги етмиш минг яҳудий Дажжол билан бирга бўладилар», - деб ёзилган.

Бугунги кунда яҳудийлар насроний қавмларга жуда ҳам кўп ёрдам бермоқдалар.

5) Набий *саллаллоҳу алайҳи ва саллам*: «Дажжол нонлар тоғи ва сув наҳрини ўзи билан олиб юради. Жуда тезлик билан дунёга тарқалиб кетади. Ҳамма ёқда фитна-фасод ва ҳалокатни тарқатади. Кимни хоҳласа ўлдиради, кимни хоҳласа тирик қолдиради. Унинг буйруғи билан ёмғир ёғади. Ер экин ўстиради ва ўз хазиналарини ташқарига чиқаради», - деб марҳамат қилдилар. (*«Саҳиҳ Муслим», Китоб-ул-Фитан, Бобу зикрид-Дажжол*)

Ушбу ҳадиснинг зоҳирий маъноси жиҳатидан Дажжолни Худо ёки худолик куч-қувватларга эга зот деб қабул қилишга тўғри келади, лекин бу нарса Исломнинг асосий ақидаси бўлмиш тавҳидга хилофдир. Бас, ушбу ҳадиснинг қуйидаги маъносидан бошқа маъно олишдан ўзга чора йўқки, Дажжол ўз хусусиятлари ва ишлари сабабли Худо Таоло ишларига қўл уради ва ёмғирни ёғдириш ва уни тўхтатиш, сувни кўпайтириш ва сувни озайтириш каби барча табиий

тизим устидан ғалаба қозонишга ҳаракат қилади. У билан бирга нонлар тоғи ва сув наҳри бўлишида, биринчидан у кучли Ғарб қавмларининг бутун дунё устидан иқтисодий ва молиявий тасарруфи ва ғалабаси зикри бор; иккинчидан, у яратган от-уловлари – поездлар, самолётлар, пароходларга ишора борки, унда сафар мобайнида барча озик-овқат маҳсулотлари муҳайё бўлади.

б) «У билан бирга жаннат ҳам бўлади, олов ҳам бўлади. У жаннат деб атаган нарса аслида олов бўлади». (*«Саҳиҳ Бухорий», Китоб-ул-Анбиё, Бобу қавлиллоҳи «вала қад арсално Нуҳан»*)

Бунинг зоҳирӣ маъносини қабул қилиш ҳам амри маҳол ва тавҳидга хилофдир. Шу сабабдан «Бухорий» шарҳловчиси Аллома Ибни Ҳажр буни қуйидагича шарҳлайдилар: «Дажжол инъом-мукофот бериш ва жазолашга қодир бўлади. Ким унга итоат этса, унга инъом ва ажр-мукофот беради.

Гўёки уни ўз жаннатига киргизади. Лекин дарҳақиқат охираат жиҳатидан у жаҳаннам бўлади. Ким унга итоатсизлик қилса, унинг дунёсини жаҳаннамга айлантириб юборади. Аммо ўшандай одамлар охираатдаги жаннатга ворис бўладилар». (*«Фатҳ-ул-Борий шарҳ Бухорий», Китоб-ул-Фитан, Бобу Зикрид-*

Дажжол)

Ушбу сифатлар ҳам ҳозирги кунда насроний қавмларда бутунлай мавжуддир.

7) «Дажжолнинг икки қулоғининг ҳар бири ўттиз қарич узунликда бўлади». (*«Канз ул-Уммол», Китоб-ул-Қиёма мин қисм ал-афъол, Бобуд-Дажжол, 39709-ҳадис*)

Яъни, Дажжол шундай нарсаларни кашф қиладики, у орқали маълумотларни етказиш иши енгил бўлиб қолади. Масалан: телефон, факс, электрон почталар ва бошқалар. Ушбу кашфиётлар Ғарбдаги қавмларникидир.

8) «Масийҳи Мавъуд Дажжолни «Боби Луд» ёнида қатл этадилар». (*«Саҳиҳ Муслим», Китоб-ул-Фитан, Бобу зикрид-Дажжол*)

«Луд» баҳс-мунозара қилувчи ва жанжалкаш одамлар деган маънони билдиради. Аллоҳ Таоло бундай деб марҳамат қилади:

وَتُنذِرِيهِ قَوْمًا لَّدَا

Яъни, «Қуръон – у орқали баҳс-мубоҳаса қилувчи қавмни огоҳлантиришинг учун келгандир». (*«Марям» сураси: 98*)

Ҳадис маъноси шуки, Масийҳи Мавъуд Дажжолнинг

ёлгон ва ботил ақидаларини илмий ва ақлий ҳужжатлар билан рад этади ва улар устидан ғалаба қозонади. Чунончи, Аҳмадия Мусулмон Жамоати асосчиси насоро динига қарши шундай очик-равшан далилларни ўртага ташладиларки, унинг асослари ларзага келди.

9) «Дажжол Масийҳи Мавъудни кўриб, туз каби эриб кетади ва Аллоҳ Таоло Масийҳ орқали Дажжолни ҳалок қилади». (*«Саҳиҳ Муслим», Китобул-Фитан, Бобу фий фатҳи Қустунтинийта ва хуружид-Дажжоли ва нузули Исобни Маряма*)

«Дажжол Шарқдан чиқади ва у давр ихтилоф ва фирқаларга бўлиниш даври бўлади ва Дажжол ғалабаси қирқ кунгача давом этади (яъни у мукаммал ғалабага эга бўлади). Мўминлар қаттиқ сиқилдилар. Ўшанда Ҳазрат Исо *алайҳиссалом* ташриф буюриб, одамларга имомлик қилдилар. Ул зот^{ас} рукуъдан бошларини кўтарган заҳоти Аллоҳ Таоло Дажжолни қатл этади ва мусулмонлар ғолиб чиқадилар». (*«Мажмаъ уз-Завоид ва Манбаъ ул-Фавойид», 7-жилд, 349-бет, «Мактабтул-Қудсий», Ал-Қоҳира, 1353- ҳижрий йил*)

Ушбу ҳадислардан маълум бўладики, Масийҳи Мавъуд ва ул зот^{ас} Жамоати Дажжолга қарши ибодатлар ва дуолар орқали ғалаба қозонадилар.

10) «Дажжол Каъбани тавоф қилади». (*«Саҳиҳ*

Бухорий», Китобу аҳодисил-Анбиёи, Бобу қавлиллоҳи таоло «Вазкур фил-Китоби Маряма»)

Ушбу ҳадисга изох бераётиб, Аллома Турбаштий бундай ёзадилар: «Ушбу ҳадис Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тушлари ва ваҳийларидандир». Ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг Каъбани тавоф қилиши маъноси шуки, ул зот динни ислоҳ қилиш ва уни тиклаш учун дин атрофида айланадилар. Дажжол эса динда фитна-фасод ва эгрилик пайдо қилиш учун дин атрофида айланади. (*«Мирқот шарҳ Мишкот», 9-том, 411-бет, Китоб-ул-Фитан, Боб аломат байна ядай ас-Соъа*)

«Мишкот»нинг ушбу шарҳида Мавлавий Абдулҳақ Соҳиб Муҳаддис Дехлавий ҳам Дажжолнинг Каъбани тавоф қилишини бундай изохлайдилар:

«Дажжол Каъбани вайрон ва йўқ қилишга уриниб туради». (*«Мазоҳир-ул-Ҳақ шарҳ Мишкот», 4-том, Китоб-ул-Фитан, Боб аломат байна ядай ас-Соъа ва зикр ад-Дажжол*)

Ушбу аломат ҳам Ғарбадаги насроний қавмлар ва уларнинг попларида тўлалигича мавжуддир. Чунки улар Исломга қарши эътироз билдириш ва мусулмон умматига зарар етказишнинг ҳеч бир фурсатини қўлдан бой бермайдилар.

IV. ДАЖЖОЛ ЭШАГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

«Дажжол шундай бир эшакни минган бўладики, у равшан бўлади ва унинг икки қулоғи оралиғи етмиш газ бўлади». (*«Мишкот ул-Масобийҳ», Китоб-ул-Адаб, Боб ал-аломоти ва зикрид-Дажжоли*)

Дажжол эшагининг бир оёғидан иккинчи оёғигача бўлган оралиқ бир кун ва бир тунга баробар бўлади ва у бутун ерни айланиб чиқади. У булутларни тутиш кудратига эга бўлади ва Қуёш ботиши томон сафар қилаётиб, Қуёшдан ҳам олдинлаб кетади. У денгизда юради ва денгиз суви тўпиғидан келади. У сафарини бошлаганида, баланд овоз билан: «Эй,

дўстларим! Мен томонга келинглар! Эй, азизларим! Менга келинглар», - деб эълон қилади». (*«Канз-ул-уммол», Китоб-ул-Қиёма мин қисм ал-Афъоли Бобуд-Дажжоли, 39709-ҳадис*)

Ушбу от-уловларда тешиқлар ва эгарлар, яъни эшиқлари ва ўтирғичлари ҳам бўлади. (*Имом Муҳаммад Боқир Мажлисий. «Биҳор-ул-Анвор», 52-том, «Дор Ихё ал-Турос ал-Арабий», 192-бет, Бейрут (Ливан)*)

Юқоридаги ҳадисларда Дажжол қавмларининг ҳайратланарли кашфиётлари зикр этилди. Улар чироқ

ёниб турадиган ҳамда ўтирғичлари бўлган жуда ҳам тез юрадиган от-уловларни яратадилар. У от-уловлар ерда ҳам юради (яъни поездлар, машиналар). Шунингдек, фазода ҳам учади (яъни самолётлар), денгизда ҳам юради (яъни пароход). Эшакнинг икки қулоғи орасидаги масофадан мурод эса, бу қавмлар қилган кашфиётлар туфайли маълумотларни жуда ҳам қисқа вақт ичида етказилишлигидир. Масалан: телефон, домофон ва бошқалар. Шунингдек, маълумотларни етказиш бўйича ушбу енгилликлар Дажжол кашф қилган от-уловларда ҳам мавжуд бўлади. Амалда ҳам худди шундай бўлмоқда.

Чунончи, баъзи уламолар «Дажжол эшагидан мурод поезд», - деб ёздилар. (*«Ҳадия Маҳдавия», Ҳиндистон, «Контур» матбааси, 1393-ҳ.й., 89-90-бет*)

Бас, Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам* марҳамат қилган Дажжолнинг белги-аломатлари бугунги кунда сўзма-сўз рўёбга чиқди. Агар Дажжол чиққан бўлса, унда Масийҳи Мавъуд, яъни ваъда қилинган Масийҳнинг намоён бўлиши ҳам муқаррардир. Дарҳақиқат, Масийҳи Мавъуд (Аҳмадия Мусулмон Ҷамоати асосчиси – Ҳазрат Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний *алайҳиссалом*) ҳам намоён бўлдилар. Жаноб Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам*

буйруқларига мувофиқ Дажжол бузғунчиликларидан сақланишнинг биттагина йўли шуки, ваъда қилинган зот^{ас}ни таниб, унга иймон келтириш керак.

